



ТАМБОВСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА



“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ”

халқаро илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(V-қисм)

(2021 йил 19-20 феврал)

Самарқанд - 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ
ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”

**«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН
ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»
халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

(V қисм)

(2021 йил 19-20 февраль)

САМАРҚАНД – 2021

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (V қисм). 2021 йил 19-20 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2021. – 300 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Б.И.Исроилов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,

А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежмент, маркетинг ҳамда инвестицияларнинг ўрни, молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Фаррух Шодиёрович Шаназаров – тадқиқотчи

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада умумий овқатлантиришни ривожлантиришда ишлаб чиқариш корхоналарида оқилона овқатланишнинг ўрни ҳамда овқатланиш гигиенасининг асосий талаблари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: оқилона (рационал) овқатланиш, овқатланиш гигиенаси, энергетик қиймат.

Аннотация: В статье представлена информация о роли рационального питания в развитии общего питания на промышленных предприятиях и основных требованиях пищевой гигиены.

Ключевые слова: рациональное питание, гигиена питания, энергетическая ценность.

Abstract: The article provides information on the role of rational nutrition in the development of general nutrition at industrial enterprises and the basic requirements of food hygiene.

Key words: rational nutrition, food hygiene, energy value.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида умумий овқатланиш тармоғида хусусийлаштириш жараёни тезлашди. Корхоналар мулкчиликлари шакллари ўзгариб, акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятларга, хусусий корхона, фирма ва бошқа мулкчилик шаклларига ўтказилди. Шаҳар ва туман марказлари, гузарлар, йирик қишлоқларда кўплаб хусусий ресторан, кафе, ошхона, деҳқон бозорларида миллий таомлар расталари ва бошқа фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистонда 877,3 минг ўринга эга бўлган 17,5 минг Умумий овқатланиш корхоналари мавжуд. Буларнинг 0,6 мингтаси давлат, 16,9 мингтаси нодавлат корхоналаридир. Ҳар бир овқатланадиган ўринга 35 киши, ҳар бир корхонанинг хизмат кўрсатиш имкониятига 1428 киши тўғри келади.

Умумий овқатланишнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 13 февралдаги "2003—2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга дойр қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ва бошқа қарорлари муҳим рол ўйнади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг анча қисми "Ўзбекбирлашув", "Ўзбектуризм", Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқаларга қарайди, касалхоналар, санатория ва дам олиш уйлари, мактаб-

лар, мактабгача болалар муассасалари ва бошқаларга хизмат кўрсатади.

Умумий овқатланишни ривожлантиришнинг асосий йўналиши овқатланиш ўринлари сонини кўпайтириш, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ва музлатилган таомлар ва оқилона овқатланишни ташкил этиш.

Рационал (оқилона) овқатланиш: деганда, одатда, биз асосий озиқ моддалари (оқсиллар, ёғлар, углеводлар)нинг истеъмол қилинаётган овқат таркибида бир-бирига тўғри (1:1:4) нисбатда бўлишини тушунамиз. Оқилона овқатланиш, бу — миқдор ва сифати жиҳатдан тўла озуқавий қийматли, бир меъёрга асосланган, кишиларнинг ёши, меҳнат ва бошқа фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда юксак иш қобилиятини, соғлиқни сақлашга имкон яратадиган тўғри овқатланиш тартибидир.

Рационал овқатланиш учун энг аввало, овқат рационида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал элементлар, витаминлар, туз, сув миқ-дори кишиларнинг ёши, бўйи, вазни, касб-кори, физиологик ҳолати (масалан, ҳомиладорлик, эмизилди даври), соғлиғи ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда меъёрда бўлиши лозим. Кунлик овқат рационининг энергетик қиймати ва тўйимлилиги муҳим миқдорий кўрсаткич ҳисобланади. Овқатланиш режими, яъни тартиб мароми бир кунда истеъмол қилинадиган овқатни кун бўйича мақсадга мувофиқ тўғри тақсимлашни, овқатланиш вақтини муайян соатга мўлжаллаб, қатъий тартиб бўйича овқатланишни кўзда тутати.

Овқат билан бирга қабул қилинадиган ёғлар организмда қисман ёғ захираси ҳосил қилишга сарфланади. Ёғларга бо'лган эҳтиёжнинг қондирилиши ёғнинг тури ва сифатига боғлиқ. Ҳайвон ва ўсимлик ёғлари бир-бирининг ўрнини боса олади. Овқат рационидаги ёғлар меъёри одамларнинг ёши, меҳнат фаолияти ва иклимий хусусиятларга қараб белгиланади. Ўзбекистон аҳолиси учун таклиф этилган овқат меъёрларида калорияларнинг 30% ини ёғлар ҳисобига қондириш кўзда тутилган. Суткалик овқат рационидаги ёғларни нормалашда ҳар 1000 ккал га 35 г ёғ мўлжалланади.

Овқат рационига кирадиган ёғларнинг сифат таркиби маълум аҳамиятга эга. Овқатга ҳар хил ҳайвон, парранда ва балиқлар ёғи, шунингдек, ўсимлик мойи кўшиш фойдали. Кунлик рационда 70—85 г ча ҳайвонлар ёғи (шулардан, 40 грами табиий ҳолда, қолгани ҳар хил озиқовқат, табиий маҳсулотлар таркибида) бўлиши лозим. Овқат рациони таркибига ба'зи ёғсимон моддалар — холестерин ва летситин ҳам киради.

Овқатланиш жараёнида организм ҳаёт фаолияти учун муҳим озиқ моддалар (оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, минерал тузлар)ни олиб туради. Булар эса ўзлаштирилиши жараёнида организмнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириб боради. Бирор хил озиқ-овқат маҳсулоти организмда ўзлаштирилганида ажралиб чиқадиган энергия миқдори шу маҳсулотнинг калориясидир. Турли озиқ моддалар ва энергияга бўлган эҳтиёж одамнинг ёши, жинси ҳамда меҳнат тарзига қараб ҳар хил бўлади. Меҳнат фаолияти характерини ҳисобга олган ҳолда овқат рационини тўғри тузиш учун овқатланиш гигиенаси соҳасидаги мутахассис олимлар катта ёшдаги кишиларнинг ҳаммасини 4 гуруҳга бўлишади. Биринчи гуруҳга жисмоний куч сарф

қилмайдиган ёки кам жисмоний куч сарфлаб ишлайдиган кишилар: аклий меҳнат ходимлари, ишда асабига зўр келадиган ходимлар; бошқариш пултарининг ходимлари: диспетчерлар, барча хизматчилар киради. Иккинчи гуруҳга механизациялаштирилган корхона ходимлари ва жисмоний зўрикмасдан ишловчи ходимлар: ҳамширалар, санитаркалар, сотувчи, алоқачи, тикувчи, автоматлаштирилган жараёнларда банд ишчилар ва бошқа киради. Учинчи гуруҳга меҳнат шароитлари қисман механизациялаштирилган корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳасида анча жисмоний куч сарфлаб ишлайдиган ходимлар, станокчи, тўқувчи, поябзалчи, метро поезда, автобус, трамвай, троллейбусларнинг ҳайдовчилари, умумий овқатланиш корхоналари ходимлари (маъмурий бошқарма аппаратида ташқари) ва бошқа киради. Тўртинчи гуруҳга ярим механизациялаштирилган ёки механизациялаштирилмаган корхоналарда ўртача оғир ва оғир меҳнат қиладиган ходимлар: кон ишчилари, шахтёрлар, юк автомобиллари ҳайдовчилари, металлургия, темирчилар, қишлоқ хо‘жалиги ходимлари ва механизаторлар, ёғоч тайёрлашда банд бўлган ишчилар ва бошқа киради. Овқат рационини тўғри тузиш учун, албатта, озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибини билиш лозим. Овқатланиш гигиенасига қўйиладиган асосий талаблар:

1. Суткалик рационнинг энергетик қиймати ва кун давомида энергия сарфи миқдори тенглиги (сарф миқдори кишининг ёши, жинси, турмуш тарзи ва касбига боғлиқ).

2. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат пропорциялари ва организмнинг хусусиятлари мос келиши. Овқатланишнинг асосий компонентлари (оқсил, ёғлар ва углеводлар) нисбати ўртача **1 : 1 : 4** бўлиши керак, кўп жисмоний фаолликда **1 : 1 : 5**, аклий фаолият меҳнат билан шуғулланувчиларда **1 : 0,8 : 3**.

3. Соғлиқка зарар келтирмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш (кимёвий моддалар ва бошқаларсиз).

Овқатланишларни кун давомида тақсимлаш — оптимал вариант 4-5 соатлик интерваллар билан кунга 4 марта овқатланиш. Бунда нонушта суткалик рационнинг 25 фоизини, тушлик — 35%, иккинчи тушлик — 15% ва кечки овқат — 25 фоизини ташкил этиши керак.

4. Санитария-эпидемиология нормалари нуқтаи назаридан овқатланишнинг беҳатарлилигига риоя қилиш.

Ушбу соҳанинг долзарблиги шундаки — умумий овқатланиш соҳасига эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу эса ҳар қандай корхонада оқилона овқатланишга янада жиддий эътибор бериш ва маъсулият билан ишлашни талаб қилади. Энг аввало ҳар-бир ишлаб чиқариш корхоналарида овқатланишни тартибга солиб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Худайшукуров Т.А., Шукуров И.Х. Оқилона овқатланиш асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд 2009 йил
2. Умумий овқатланиш - Википедия
3. О‘зМЕ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил
4. www.кутубхона.уз
5. Соғлом.уз

МУНДАРИЖА :

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Заявитдинова Н. Артиков Ш.С.	Цифровая трансформация системы государственного управления в условиях цифровизации экономики	4
Xalikova L.N. Yuldashev B.	Raqamli iqtisodiyot shakllanish sharoitida innovatsion rivojlanish muammolari	8
Хотамова Г.Қ.	Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш	10
Шакирова Ф.Б. Эшназаров О.	Рақамли иқтисодиёт шароитида темир йўл транспорти давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари	13
Джабборов Д.Б.	Цифровая экономика – состояние и перспективы в Узбекистане	16
Usmanova N.Y. Ro‘ziyev Sh., Rajabov J., Nurulloyev O.	Development of innovative and digital economy in Uzbekistan	19
Ғуломова Г.П.	Миллий инновация тизимлари концепциясининг ривожланиш босқичлари	23
Артикова Д.М. Юлдашева С.Н. Аслонов А. Фармонов А.	Особенности формирования эффективной системы государственного управления цифровой экономики	27
Бахронов Ш.А., Холбоев У.Х.	Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхоналарнинг ўрни	30
II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Шаназаров Ф.Ш.	Ишлаб чиқариш корхоналарида оқилona овқатланишнинг ўрни	35
Пардаев О.М., Мамаюнусов Т.О	Кластер иқтисодиётимизга ва аҳолига нима беради?	38
Олтаев Ш.С.	Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятнинг ўрни	40
Шералиева С.А.	Инновацион – инвестиция: ҳудудий ривожланиш ва тенденциялар	43
Худойқулов У.Ч.	Самарқанд шаҳрида табиий газ етказиб бериш тартибини такомиллаштириш йўллари	46

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси
материаллари

2021 йил. Қоғоз бичими А5,

Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма тобоғи 18,75 б.т.
Буюртма № 10/21, Адади 80 нусха

“Наврўз полиграф” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021